

ҚЎШРАБОТ ОҲАНГЛАРИ

Шеърлар ва ҳикоялар



Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти,
Тошкент — 2010 й.

ББК 84(5Ў)6

F16

Ғазнаев, Иззатилла.

Қўшработ оҳанглари: шеърлар ва ҳикоялар/ муаллиф ва тўпловчи И. Ғазнаев; муҳаррир Ш. Қурбон. — Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. — 64 б.

Тўпловчи ва муаллиф

Иззатулла Ғазнаев

Қўлингиздаги ушбу китоб айримларининг номлари Республика матбуоти орқали сизга яхши таниш, айримларининг илк тўпламлари нашр юзини кўрган қўшработлик иқтидорли шоирлар ҳамда мазкур туманда истиқомат қилаётган бошқа қаламкашлар ижодидан сайланди. Асарлардаги мавзулар ранг-баранглиги ва самимият ўқувчи диққатини ўзига тортади. Мана, улардан сатрлар:

Шоиринг бўламан, ота юрт,
Юрагим шеър билан йўғрилди.
Дўшнингни осмонга яна от,
Бир бахши болакай тувилди.

ISBN 978-9943-06-310-5

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2010 й.

ЭПКИНЛАР

Ҳа, мен ушбу мўъжаз тўпламни Қўшработ кенгликларининг саррин эпкинларига қиёс этгим келди. Бизнинг ота юртда кўкайини тўлдириб қуйлаб ўтган ва бугун ҳам шеърият осмонини ларзага солиб турган шоирлар бор. Эргаш Жуманбулбул нафақат Қўрғон дostonчилик мактабининг асосчиси, балки сўзсиз мамлакат бахши шоирларининг сардори эди. Раҳматулла Юсуф ўгли эса, Гўрўгли туркумидаги барча дostonларни ихчам ва ҳаммабop қилиб китобат этди.

Равшан Файз... Қисқа умри мобайнида гўзал шеърлар битиб, бир неча шеърий гулдасталар туза олди. Кўнгил лирикасидан бошқаларни ҳам баҳраманд этишга улгурди. Абдулла Ориповдай улуг шоирга муносиб шогирд бўлди.

Азим Суюндек забардаст шоир ҳам шу тоғлар фарзандидир. Бу шоир номи Нурота кенгликларидан тошиб чиқиб, мамлакат гурурига айланиб кетди.

Мен шоир эмасман, шу боис мазкур китобнинг бадий савиясини баҳолаб ўтирмайман. Балки бу шоирлар адабиёт отлиғ қутлуғ даргоҳ оstonасидан ҳавас билан бўйлашаётгандир, Ҳар қалай катта даволари йўқдир. Шунинг учун таниш ва нотаниш шоирларнинг туркумларига тепадан туриб қараш маъқул туюлмади менга. Тўплам тузиш истаги, иштиёқи ёқимли. Шунини қувватлаш керак, холос. Қолгани ўзларига ҳавола...

Собир ЎНАР

ҚУЛУНЛАРИ БИСЁР ОҚИННИНГ

Қўшработ – Худонинг назари тушган юрт. Бу ерда ўғилми-қизми, албатта, истеъдод билан туғилади. Шу сабабли олис қишлоқлардаги мактабларда ҳам ижодий жўшқинлик кўзга ташланади.

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг Қўрғон дostonчилик мактаби бир асрким, жаҳон аҳлига маърифат улашиб келади. Энг муҳими, оқиннинг дostonлари, қўшиқлари ижодга мойил кўнгилларга завқу шавқ бериб келмоқда. Шу сабабли, қўшработлик шоирлар асарларида халқона услуб устувор.

Бу тўплам Тошкенту Самарқандга бора олмаган, бевосита қишлоқда ўқиб, яшаб ижод қилаётган ҳамкасбларимизга катта рағбатдир. Қолаверса, ҳар бир саҳифа ижодсевар Қўшработ аҳлининг сертуйғу юрагини кўрсатиб турибди. Савобли иш бўлибди.

*Фармон ТОШЕВ,
«Зарафшон» газетаси бош муҳаррири,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси*



ШЕЪРЛАР



Болтабой Мамарасулов 1941 йилда Жўш қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Қоракисса қишлоғида тутилган.

Ҳозирда туман ҳокимлиги «Истиқбол сари» газетасининг бош муҳаррири.

ОНА

Фарзанд шам-у, онажон, сен эса парвонасан,
Ўғил-қизнинг кўйида умринг бўйи ёнасан,
Кеча-кундуз бошидан минг айланиб,
минг ўргилиб,
Жигарбандинг меҳрига на тўясан, на қонасан.
Эй улуғ зот, бола-чун шунчаларми оташинг?
Тобора ловлаб ёнар, ошса-да юздан ёшинг,
Фарзанд қошида доим эгасан улуғ бошинг,
Шунчалар ҳам ҳокипой, бунча камтаронасан.
«Оқ сутимдай оқ бўлсин ўғил-қизим қалби» деб,
Меҳр-ла эъзозлайсан, улғайгансан ғамин еб,
Заррача совуқ сувни кўрмагайсан асло эп,
Инсонларнинг инсони — ҳақиқий нишонасан.
Тилагинг шу: дилбандинг элга кўзу қош бўлсин,
Не бир улуғ ишларга камарбаста, бош бўлсин,
Меҳрли, оқибатли, қалбида бардош бўлсин,
Она, сен еру кўқдан топилмас дурдонасан.
Онаизор қалбига ким озор берса, э воҳ,
Ғаму ғусса, андуҳин чектириб, урдирса оҳ,
Ундай фарзанд кўру қар, нокасга бўлғай ҳамроҳ,
Шунда ҳам ҳасратида куйгувчи ғамхонасан.
Болтабой, онангга сарф айла танда бўлса куч,
Қанот боғлаб онангни юксакларга олиб уч,
Она кўксин тоғ қилиб, поёнсиз кўнглини куч,
Шунда ҳам она қарзин заррасин узоласан.

ЖУДОЛИК КУНЛАРИ КЕЛМАСИН ҚАЙТИБ

Она кучоғига отди ўзини,
Яна эркалатди меҳрли кўкрак.
Такрорлайди фақат «она» сўзини,
Гўё энди тили чиққан ёш гўдак.
...Шонли жангга кирди қирқ биринчи йил,
Ўн саккиз баҳорнинг кўрганда юзин.
Онанинг меҳрига қонмади кўнгил,
Нигорон қолдирди ёлқинли кўзин.
Йигит бўлиб қолдинг, дея қувончи
Жумлаи жаҳонга сифмаган эди.
Охири «Майли бор, кўнглим таянчи,
Ёвни яксон қилмай қайтмагин» деди.
Уруш пуркаса-да ажал бўрони,
Она ёққан чироқ қалбда ўчмади.
Хавфу хатар билан ўтса ҳам они,
Фалаба ишончи дилдан кўчмади.
Она-чун, Ватан-чун ёвнинг қўлига
Тушди-ю, кўнглида ўй-ният бисёр.
Онанинг нигоҳи ҳамон йўлида,
Сезиб турар юрак ҳар куни минг бор.
Тақдир тақозоси. Ўттиз йил ўтибди,
Мўътабар тупроқда кўрди ўзини.
Чексиз бахт селида дил тўлқин уриб,
Гўдакдек такрорлар «она» сўзини.
Яна ардоқлади меҳрибон кучоқ.
Шодликнинг самимий кўшигин айтиб.
Топишсин айрилган вужудлар, бироқ
Жудолик кунлари келмасин қайтиб.

ОНА ТУПРОҚ

Қора тупроқ, биз сени олтин дея атадик,
Аммо олтин бўлганда адо бўлиб кетардинг.
Кўкрагингни юмшатиб, душманинг-ла тикма-тик
Курашганни қадрлаб инжуларни еткардинг.

Ҳа, меҳнатдош инсонга қадрдон бўб қолгансан,
Кумуш бошоқ кокил-ла юзларини силадинг.
Гуллар тутиб қўлига ошиқ қилиб олгансан,
Гўзаллардек, ёнимга тонгдан кел, деб имладинг.

Трактор, комбайнлар овозлари ёқарми,
Тинглайсан бирам майин, юмшоқ-ипақдек бўлиб?
Инсон меҳри кўксингда дарё бўлиб оқами,
Кетасан олма, анор, лолазорларга тўлиб?

Сенинг тили-дилиггни билганларга ташаккур,
Қадимда ҳам шу замин, шу қора тупроқ эдинг,
Қатра дур ололмаган ҳар қандай зўр жаҳонгир,
Илмсиз эл камбағал, сен камбағал, қоқ эдинг.

Қора тупроқ, биз сени олтин дедик чиндан ҳам,
Лекин олтин бўлганда адо бўлардинг тайин.
Бағри гавҳарга тўла онасан-ку чинакам,
Меҳр билан инсонни ардоқлайсан кун сайин.

ҲАРГИЗ

Не бахтки, қалбгинам, ҳар дам яхшилик
йўлини тутгайсен,
Кўнглимнинг кенг осмонини қуёш каби
ёритгайсен,
Мақсудим уфқида мисли шафақдек ёниб ётгайсен,
Камина шодумон бўлғай диёрим қўйнида ҳаргиз,
Унутмас қарзи фарзандлик борлигин бўйнида
ҳаргиз.

Буюрдинг вужудим шоҳи: «яхшилик
ҳамдамнинг бўлсин,
Умр деган улуғ гулшан саодат нурига тўлсин,
Йўлингдан эзгулик ҳамда садоқат чечаги унсин.
Ҳамиша эл аро бўлғай иззатинг мухтасар ҳаргиз,
Фазилат чўққисидан сен турурсан мўътабар ҳаргиз».

Сенинг сўзингга кирмаслик, қалбгинам,
бедаволикдир,
Ўзи чолғувчи, аммо, аслида бенаволикдир,
Риёкорлик барин тутиш, демак, умри адоликдир,
Яхшиликдек улуғ туйғу этибсан ихтиёр ҳаргиз,
Дўстларим даврасида мен бўлурман бахтиёр
ҳаргиз.

Билурман яхшиликни мен ҳалоллик,
фидокорлик деб,
Кўнгили тозалигидурким кишига зебу зийнат – сеп,
Қабиҳлик ботқоғи ичра юришни кўрмадим ҳеч эп,
Сенинг измингни тутганмен, ўзга йўл йўқ менга
ҳаргиз,
Шарафдин ҳайкал ўрнатгум, тилагим шу сенга
ҳаргиз.

Ҳожарой Жонгаева 1960 йил Пойариқ туманида туғилган. Кўп йиллар мобайнида Қўшработ туманидаги 82-ўрта мактабда ҳамда Қўшработ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Шеърлари Республика, вилоят ва туман газеталарида босилган.

ҚЎШРАБОТЛИК АЁЛГА

Тош келса кемириб яшаган аёл,
Сув келса симириб яшаган аёл,
Эр ярим пир деса етти букилиб,
Пойига кўрпача тўшаган аёл.
Тонгларни қаршилаб ёруғ юз билан,
Меҳмон келса, кутган нону туз билан,
Бир оғиз илтифот, илиқ сўз билан,
Нур эмган майсадек яшнаган аёл.
Рўзгорни яшатмоқ эзгу юмуши,
Фарзанд камолидир орзу-хоҳиши
Ногаҳон бузилса юрт осойиши,
Кўз ёши шудрингга ўхшаган аёл.
Қирқ жонин улашиб болаларига,
Ҳамдард бўлиб гаму нолаларига,
Бири кам дунёнинг савдоларига
Чинордек дош бериб, яшаган аёл.

* * *

Ўйга толдим суман чечакка боқиб,
Хайр ҳам демасдан кетибди баҳор.
Мендек соддадилни доғда қолдириб,
Ўзга бир диёрга етибди баҳор.
Ялпиз ҳидларига тўймовдим ҳали,
Лола ҳам термабман бағрим тўлдириб.

Ўйнамадим тонгги шаббода билан,
Қиш бўйи сиқилган дилни кулдириб.
Кўнгилда армонлар ётар қатма-қат,
Янаги баҳорни кутарман ёниб.
Биллур шабнамларга юзим чаярман,
Шўх жилға сувидан ичарман қониб.
Ҳар йил ҳам баҳорни интиқ кутармиз,
Лекин дийдорингга тўймадим сира.
Ширин бир туш каби тезда ўтди-ю,
Қолдирди биргина ўчмас хотира.
Баҳор келгач ўзни унутгум тамом,
Сеҳрлаб қўяр у сирли қўшиқдай.
Лолман гўё машуқаси олдида
Тили сўзга келмай қолган ошиқдай.

СЕНИ КЎРГАНДА

Сенга бир ширин сўз айтгим келади,
Дилда пинҳон ҳислар туғён уради.
Энтикиб ўзингга қайтгим келади,
Фақат жим қоламан сени кўрганда.
Ойдин тунларда сайр этмоқ истайман,
Ҳижрон учун ширин висол турганда.
Сен билан ёнма-ён келмоқ истайман,
Бироқ гурур қўймас сени кўрганда.
Бир қўшиқ тўқийин номингни қўшиб,
Хаёлан сен билан суҳбат қурганда.
Сенга талпинаман қувониб, шошиб,
Яна лол қоламан сени кўрганда.
Муҳаббат йўлида сўнмас бир Қуёш,
Бахтлиман нурларин юзга сурганда.
Севгимни кўзларим этса ҳамки фош,
Фақат сир сақлайман сени кўрганда.

ҚИЗ БОЛАНИНГ

Қиз боланинг мағрур бўлгани яхши,
Ёниқ севгисини тутиб пинҳона.
Таъқиб этса ҳамки ўтли нигоҳлар,
Қайрилмайин ўтса худди бегона.
Қиз васлига осон етишса йигит,
Алдаб кетар бир кун, қилар ҳайрона.
Севги ғунчасини юлиб бешафқат,
Ўтга отиб қалбин айлар вайрона.
Қизгина, синаб кўр ёр садоқатин,
Қайрилма, бўлса ҳам минг бор парвона,
Токи билиб олсин аҳли ошиқлар,
Койитмаса жонин йўқдир жанона.

ТОҒЛАР

Мен сизни соғиндим, севиқор тоғлар,
Келдим бағрингизга талпиниб, қўмсаб.
Ҳамон ўша-ўша мағрур, сокинсиз,
Жафокаш, бағри кенг аёлга ўхшаб.
Асрий музликларни эритиб мудом,
Сув бериб турибсиз она заминга.
Меҳрингиздан боғлар топаркан сайқал,
Сахий туюласиз жуда ҳам менга.
Шу сабаб бағрингиз тарк этиб кетсам,
Гўдакдай талпиниб тез қайтгим келар.
Азим тоғлар, сизни қадди букилмас,
Бардошли аёлга ўхшатгим келар.

* * *

Азизларим, сиз кўнглимнинг эркалари,
Нурли, орзули хонадонимнинг бекалари.
Пари каби оқ рўмолли момоларим,
Гўзал қизлар – Ширинларим, Зухроларим.

Онажонлар, жондан ортиқ суйганларим,
Рўзгорини бут қилай деб куйганларим.
Сиз чироқсиз, фарзанд сизнинг парвонангиз,
Фам кўрмасин, тўйлар кўрсин остонангиз.

Яратганим бутун берсин бахтингизни,
Илоҳим, қирқ қарич бўлсин пешонангиз.
Келинчаклар, чучук тилли қизалоқлар,
Қўшработни безаб турган қизғалдоқлар.



Ўнарбой Бобохонов 1957 йилда Пойариқ тумани Жоноқтепа қишлоғида туғилган. Ҳозирда 62-умумтаълим мактабида олий тоифали ўқитувчи. Шеърлари Республика матбуотида чоп этилган.

ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ

Эрта турар қуёшдан ҳам, қушдан ҳам,
Тиним билмас ёзда, кузда, қишда ҳам.
Оиласин ўйлар ҳатто тушда ҳам.
Ўзбегимнинг содиқ ҳасм-ҳалоллари,
Ўзбегим қишлоғининг аёллари.
Уйидаги йўқ нарсани бор этади,
Чироқсиз ҳам хонадонин ёритади,
Бир кун кетса дийдорига зор этади.
Оиланинг малика-ю ҳаммоллари,
Ўзбегим қишлоғининг аёллари.
Нафис гулли олачалар тўқишади,
Зериксалар «Бекажон»ни ўқишади,
Унча-бунча билимдонни чўқишади.
Олиб қочар сирли-сирли хаёллари,
Ўзбегим қишлоғининг аёллари.
Миллион тонна пахта юки бошларида,
Пахтазорнинг гарди инган қошларига,
Пахта-чаноқ қистирилган сочларига,
Эгатларда ҳилпираган рўмоллари,
Ўзбегим қишлоғининг аёллари.
Чаплашмайди упу, бўёқ юзларига,
Умр бўйи сеп йиғади қизларига,
Хурсанд қаранг улар босган изларига,
Табиатнинг тоза чашми зилоллари,
Ўзбегим қишлоғининг аёллари.
Ҳар бир сўзи тўла ҳикмат, маъноларга,
Меҳр қўйган кўп қисмли киноларга,

Қиёс эрур лола, жамбил, раъноларга.
Табиатнинг тоза чашми зилоллари,
Ўзбегим қишлоғининг аёллари.
Сизлар муносибсиз шоир мадҳига,
Доим соғ бўлинг ўзбек халқи бахтига,
Мангу ярашиқлик вафо тахтига.
Ватанимиз осмонининг ҳилоллари,
Ўзбегим қишлоғининг аёллари.

ШЕЪРНИНГ ТУФИЛИШИ

Ярим кеча ногаҳон
Шоирни «тўлғоқ тутди».
Жуда оғир «дард» экан,
Тонгача уйғоқ тутди.

Қийналди бечора у,
Ҳаммаёғи тер бўлди.
Кўз тегмасин: «Тфу, тфу»,
Жажжигина шеър бўлди.

ХАВОТИР

Ногаҳонда эшик этса «тиқ»,
Не бир фикр келади ўйга.
Бир нарсани биламан аниқ —
Ярим кеча айтишмас тўйга.

Ана, эшик тақиллар ногоҳ,
О, юрагим, бўлгин сен бардам!
Аслида-ку, эмасман қўрқоқ,
Мен қўрқаман совуқ хабардан.

ШОИРГА

Гоҳ-гоҳида уйга толдириб,
Битта нарса қилади алам:
«Эҳ, шоирим, уйқудан қолиб,
Кечалари йўнасан қалам.
Ҳис қилмайди сенинг дардингни
Юрагида дарди йўқ одам.
Тушунмайди ахир, шеърингни,
Фикри саёз, қорни тўқлар ҳам.
Илҳом келса агар гоҳида,
Майли, гўзал ашъорлар тўқи.
Фазал битгин гуллар ҳақида,
Эрта тонгда булбулга ўқи.
Ёқиб қолса шеърларинг зора,
Маъкул бўлса ўша булбулга,
Ўқиб берар у куйга солиб,
Тонг-саҳарда боғдаги гулга».



Неъматилло Хидиров 1958 йилда Нурота тумани Папанай қишлоғида туғилган.

1997 йил Андижонда ўтказилган «Ижодкор ўқитувчилар» анжумани қатнашчиси. «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси». Академик Воҳид Абдуллаев номидаги Давлат мукофоти соҳиби.

«Ай, элим, ота юрт — Қўшработ» номли илк шеърий китоби нашр этилган.

* * *

Шоиринг бўламан, ота юрт,
Жонбулоқ сувидай тип-тиниқ.
Қўшиқлар айтаман ҳали кўп,
Шарқироқ сой бўлиб, ой бўлиб.

Шоиринг бўламан, ота юрт,
Қучоғинг гулларга тўлдиргум.
Эркалаб юзимдан битта ўп,
Дунёни шеър қилиб қулдиргум.

Шоиринг бўламан, ота юрт,
Номингни шеър қилиб куйлайман.
Қоратов устида оқ булут,
Ой бўлиб барака тилайман.

Шоиринг бўламан, ота юрт,
Юрагим шеър билан йўғрилди.
Дўппингни осмонга яна от,
Бир бахши болакай туғилди.

БАЁТ

Яна қанча соғинаман, ой,
Яна қанча кутаман, меҳр?
Пойим узра йиғлаётган сой,
Рангинг нега сомондир, ҳажр?

Бунча гўзал, мафтункор ҳаёт,
Яна минг йил насибам умр.
Юрагимда ўзгача баёт,
Ассалому алайкум, давр.

Яна қанча севиб яшай, кун,
Қадр топган бисотим юрак.
Ой тўлишган сеҳрли бу тун
Мени асраб қолади тилак.

ҲАМАЛ

Майса, тошлар ранги ўзгариб,
Оппоқ гулга кирди бодомлар.
Чўққиларда кумуш қор эриб,
Мамнун нафас олди одамлар.

Булоқларнинг кўзида ҳайрат,
Шарқирайди сойларнинг суви.
Навбат бермай айтар баҳру байт
Сулув қишлоқ гўзал, сулуви.

Баҳор ажиб тароват билан
Товланади товусдай азал.
Қоратовни қоралаб келган
Қадамингдан айланай, ҳамал!

ОЙДИН ТУНЛАР

Ойдин тунлар оймомо билан
Ўз-ўзимча суҳбат қураман.
Ёлғизликни кўмсаб гоҳида
Мажнунсифат бўлиб юраман.

Оромида ўтган кунларим,
Энди менга бегона бўлди.
Болалигим, тотли йилларим
Эртак бўлди, афсона бўлди.

Меҳр билан чиқаман йўлга,
Жуда олис манзил, биламан.
Ҳар бир кўнгил, ҳар битта гулга
Фақат севги, умид тилайман.

СУЮНЧИ

Болалик беғубор тушга айланди,
Кўкда учиб ўтган қушга айланди.
Асал момо бир кун суюнчи дея,
Ёнғоқ еган кун олқишга айланди.

Кўклам келса қирда лола терардик,
Кўй-кўзи ҳам подаларга қарардик.
Асал момом ёлғиз-битта сигири
Туққанида суюнчисин сўрардик.

Ой сирли кўшиқлар айтадиган тун
Эртакка айланди болалик бугун.
Лоладай қизариб ботмоқда кўёш,
Эртага турналар қайтадиган кун.
Суюнчи беринглар, суюнчи беринг.

МЕҲР

Чайқалади қузги дарахтлар,
Япроқлардан тўкилар оҳанг.
Боғда ёлғиз қолиб кетаман,
Хаёлларга бўлиб ҳамоҳанг.

Турналарнинг мунгли саслари
Олислардан беради садо.
Юрагимга гулғула солар
Оҳорлари кетмаган наво.

Кипригимга илиниб мезон,
Шошилмасдан бормоқда ўтиб.
Меҳр билан, муҳаббат билан
Хазонларни қўяман ўпиб.

ТОНГИ ШЕЪР

Шеърга-да сифмади дардларим,
Тунга ҳам қоришиб кетмади.
Қирғоққа бош урган тўлқиндай,
Кўксимда бир оғриқ ётмади.

Вужудим қоғоздай гижимлаб,
Шу оғриқ жонимни суғурар.
Тун бўйи беором, бедор қалб
Субҳидам қайтадан туғилар.

Тонг секин ёришиб, тиниб жон,
Қаламим сирғанар қўлимдан.
Шеъримни кучоқлаб чопаман,
Қуёш кулиб чиқар йўлимдан.

Махпурат Остонова 1960 йилда Тепалик қишлоғида зиёли оилада дунёга келган.

Биринчи устози – отаси Лочин Алимов. Отасининг устози халқ оқини Раҳматулла Юсуф ўғлидир.

Шеърлари ва мақолалари вилоят ҳамда туман газеталари саҳифаларида чоп этилган.

МЕҲР ИЛА БОҚДИМИ КЎЗИНГ?

Узун тунлар, уйқусиз тунлар
Хаёлингни олиб қочади.
Гоҳ шодлик-ла ўтган кунлар
Гоҳ ғам-қайғу захрин сочади.
Шамол каби ўтаркан умр,
Тўхтамайди, чарчамайди ҳам.
Оқар дарё дейдилар, ахир.
Ғофил бўлма, бўлмагин беғам,
Ўйлаб кўр-чи, яримта жоннинг
Дардларига малҳам бўлдингми?
Сўзлашганда ширин каломинг,
Аямасдан далда бердингми?
Бошларига қулфат тушганда,
Кўнгил сўраб кўнгил олдингми?
Омад келиб, бахти кулганда,
Шодлигига сен шодландингми?
Беғам бўлма, эй ғофил инсон,
Афеус қилма, аттанг ҳам дема.
Сен яшагин, яшагин чунон,
Умр йўли тўхтамас дема.
Айлантириб тортади гирдоб,
Ёлворасан шунда Худога,
Қалб ўртанар, бўласан хуноб.

Алангада қоласан ҳатто,
Чарх урасан қутулмоқ учун.
Ўйлайсанки, қилдимми хато,
Нима учун, нималар учун?
Умр – ширин, яшаш ҳам яхши,
Гарчи оқар дарё бўлса ҳам.
Босган йўлинг – ҳаётинг нақши,
Мангуликка кетганингда ҳам.

МЕН КУЙГАНЧА КУЯРМИСАН СЕН?

Муҳаббат ўрнини гар олса нафрат,
Ёнсам рашк устида бу жонга офат.
Агар севгинг бўлса зарра ҳақиқат,
Менинг куйганимча куяرمىсан сен?
Баъзилар дейдилар девона бўлма,
Ишққа бесамардир, овора бўлма.
Ҳаёт йўлидаги бир эрмак бўлма,
Дардларимга дармон бўлармисан сен?
Дилда борин айтгин, умид риштаси
Узилиб кетмасин, этмагин хароб.
Ҳамма вақт сени деб яшадим, ёндим,
Сен учун жон берсам, куяرمىсан сен?

АЁЛ

Қалбингга туташдир қуёшнинг тафти,
Толеинг кулгандир, ўзбек аёли.
Митти юрагингга дунё ташвиши,
Соғлиқ, тинчлик истар аёл хаёли.
Ёнган кўзларингга қувонч кўраман
Гўдакни қўлингга олган чоғингга,
Талпинар сен томон бу жажжи инсон,
Чарчоғинг нутилар бир лаҳза-онда.

ТУНЛАР БЕДОР АШЎОР БИТАМАН

Тунлар бедор ашЎор битаман,
ГоЎо сархуш, гоЎо ўртаниб.
Битганимдан баъзан розиман,
Баъзан эса йиртаман ёниб.
Ўйлаб баъзан қилади алам,
Кимларгадир ёқмас баётим,
Лек қўлимдан тушган кун қалам
Туйгуларсиз қолар ҳаётим.

* * *

Қизим Умидага

Сенинг жонинг менинг жонимга пайванд,
Жон қизим умримнинг ўчмас чироғи,
Кеча-кундуз фикрим сенинг билан банд.
Сенсан жону дилим, кўзим қароғи.
Бахт ва соғлик тилаб Худодан,
Кемтик бу дилимга далда бераман,
Бир нафас бўлса-да кетма ёнимдан,
Кўрмасам жонимдан жудо бўламан.



Алибек Санақулов 1961 йилда Қийқим қишлоғида туғилган. 1986-йилда Самарқанд педагогика олийгоҳини томонлаган. Ҳозирда тумандаги 10-умумтаълим мактаби директори. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган.

БАҲОР КУНЛАРИ

О, қандайин сўлим баҳор кунлари,
Баҳор оқшомида қўшилди нафас.
Мен баҳра олардим сенинг васлингдан,
Сенинг сўзларингга қўярдим ихлос.
Йўқ, бирдан ўзгарди баҳор кунлари,
Баҳор оқшомлари беҳис, бетуйғу.
Сен юрган йўллардан юраман гоҳи,
Баҳор оқшомлари бедор, беуйқу.
Наҳотки, қалбингнинг кўри ўчмоқда?
Наҳотки, сен мендан олис кетарсан?
Наҳотки, ўзга-чун яшарсан бу кун?
Ўзганинг қалбига кирмоқ истарсан?

ЁЛҒОН

Юрагимга сизмаса гар ҳислар, туғёнлар,
Ярим тунлар юлдузларга қараб қоламан.
Кексалардан эшитиб мен ногоҳ ёлғонлар,
Ўз-ўзимни юпатаман, ҳали боламан.
Онажоним, соғинганман, соғинчим — ёлғон,
Дўстларимни соғинганман деганим ёлғон.
Етмасам гар дийдорига меҳрибонларим,
Ёлғондакам тушларимда келгани ёлғон.

ЎРАНИБ

Баҳор келди субҳидам
Саболарга ўраниб,
Кўз-кўзланиб майсада,
Жилоларга ўраниб.
Чирой очди ўтлоқлар,
Чаман бўлди қир-адир,
Куртаклар ҳам дил ёрди,
Ҳаволарга ўраниб.
Сой бўйида мажнунтол
Ювиб сочин тарайди,
Тоғда лола чорлайди,
Имоларга ўраниб.
Келгин, кўксимни тўлдир
Гул ҳидидек, жонгинам,
Қачонгача юрарсан?
Жафоларга ўраниб
Илҳом олиб Али Бек
Баҳорий илиқликдан,
Қўлига қалам тутди,
Наволарга ўраниб.

ПЎПИСА

– Қани, тур-чи, ҳой хотин!
Солинмабди тўшагим.
Арз-додга тоқат йўқ,
Ҳозир ишдан бўшадинг!!!

Хотин парвойи палак,
Ўз-ўзига сўзланди.
Пўписани қилди-ю,
Эр тахмонга юзланди.

БАҲОР СОҒИНЧИ

Булут кунчиқарга сурилиб,
Яшин кўкнинг бағрин сўкмоқда.
Менинг ҳисларимга берилиб,
Осмон ҳам кўз ёши тўкмоқда.
Баҳорим! Мен сени соғиндим,
Рўмолинг ўраб кел ёнимга.
Қоқиндим, жуда кўп қоқиндим,
Оро кир жонимга, жонимга.
Кел, сенга шеърларим битайин,
Кел, сенга қўшиқлар айтайин.
Алдоқчи умримдан тонмайман,
Юр, десанг майлига кетайин.

ЁР УЧУН

Жон дема гар чиқмаса бир жон агар бир ёр учун,
Ҳам вафодор, ҳам дилоро бир гўзал дилдор учун.
Сиз тавоф айланг изин, айловчи йўлга тўрт кўзин,
Ухламай тун-кечалар кутгувчи ёр бир зор учун.
Учрагай баъзан ҳаётда бадахлоқ маккоралар,
Йиғламоқ даркор эмас, дуч келса бу беор учун.
Йиғлагай токи бу тақдир, ким бошида бўлса гар,
Кулмоқ ҳам даркор эмасдур бундайин бемор учун.
Эй Алибек, то тириксан жонни бер зоринг учун,
Ҳам вафодор, ҳам дилоро ул кўзи хумор учун.



Юсуф Қораев 1961 йил Чиноқ қишлоғида туғилган. СамДУнинг ўзбек ва тожик филологияси факультетини тугаллаган. Ҳозирда 57-ўрта мактабда она тили ва адабиёти фанидан дарс беради.

Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган. «Илтижо» шеърий тўплами муаллифи.

* * *

Тепкиламанг тупроқни,
Топтаманг заррасини.
Аста босинг оёқни,
Тирнаманг ярасини.

Хокисору ҳотамтой
Кўнар эзилишларга.
Гиёҳлару гулга бой
Олтину кумушларга.

Қандай танти, бағри кенг,
Юз бор синаб кўргансиз.
У бор дастурхон тўкин,
Ер юзида юргансиз.

Тиз чўкиб, юзларига
Босингиз юзингизни.
Тупроқдан яралгансиз
Унутманг ўзингизни.

* * *

Шоир Муҳаммад Юсуф хотирасига

Қизгалдоқлар ошиғи эди,
Элнинг дарду қўшиғи эди.
Излаб қайдан топамиз энди.
Йиғлар юрак оҳ уриб, ўксиб,
Ташлаб кетди Муҳаммад Юсуф.

Севар эди баҳор, ялпизни,
Ардоқларди, ижодни, сўзни.
Танитди у неча ҳофизни.
Йиғлар қўшиқ сўзлари ўксиб,
Ёзмас энди Муҳаммад Юсуф.

Кезар эди шаҳар, қишлоқни,
Англаш учун ҳақни - ноҳақни.
Юрагида асраб оллоҳни,
Йиғлар имон эмраниб, ўксиб,
Энди йўқдир Муҳаммад Юсуф.

Ўйлар эди она халқини,
Тарихини — тоғи, талқини,
Шеърларида ҳаёт талқини.
Йиғлар армон қўксини ўйиб,
Қайтмас сира Муҳаммад Юсуф.

Билар эди олғирлар бисёр,
Олғирлар кўп устамон, айёр.
Ростгўйларга нечун азоб ёр?
Йиғлар ўкинч кун ора ўсиб,
Энди қайтмас Муҳаммад Юсуф.

Қуйлар эди замон, асрни,
Юракларни йиғлатган сирни.
Эл эъзозлар асл шоирни.
Йиғлар соғинч, қайғуни тўсиб,
Энди ҳавас — Муҳаммад Юсуф.

* * *

Кетар бұлсанг севгимизни хор этиб,
Кенг дунёни кўзларимга тор этиб,
Дил суймаган бегонани ёр этиб,
Лабларимдан отилади бир нидо:
Алвидо, ёр, алвидо, ёр, алвидо.

Дилим доғлар фақат «нега?» сўроғи,
Садоқатдир - муҳаббатнинг чироғи,
Бунча ўткир изтиробнинг яроғи,
Лабларимни куйдиради бир нидо:
Алвидо, ёр, алвидо, ёр, алвидо.

Қадамларинг ботиб борар кўксимга,
Шод кунларим қорилади қайғунга,
Дардларимни ишонаман мен кимга?
Юрагимда юксалади бир нидо:
Алвидо, ёр, алвидо ёр, алвидо.

Излаганинг дунё экан, мол экан,
Ёқтирганинг ялтироқ газмол экан,
Ёстиқдошинг сен учун ҳаммол экан.
Борлигингни ўтга солар бир нидо:
Алвидо, ёр, алвидо, ёр, алвидо.

Майли, борғил истакларинг ёр бўлсин,
Топганларинг гавҳар бўлсин, зар бўлсин,
Ҳавасларинг ўкинч бўлсин, зор бўлсин.
Тилларимдан тўкилади бир нидо:
Алвидо, ёр, алвидо, ёр, алвидо.

Юрак, учма алдовга,
Сабо тутган атирмас.
Мастонлар тушган овга,
Кўнгилчанлик қилма, бас.

Мен кўрқаман сен учун,
Тушиб қолма тузоққа.
Ҳийланинг қўли узун
Етаклашга гуноҳга.

Айблама нигоҳларни,
Нима айби бор ахир?
Камситма гумроҳларни,
Шодон яшаётгандир.

Худбин бўлмагин, юрак,
Ўзгалар учун қайғур.
Ҳалол яшамоқ керак,
Ҳалол яшаш кўп оғир.



Мамаражаб Тўраев 1965 йилда Янгикишлоқда туғилган. Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультетида таҳсил олган. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган.

НАВБАҲОР ДИЛИМДА

Навбаҳорнинг шаббодаси ўйноқлаб,
Хаёлларим мендан олиб қочади.
Юрагимда Ватан меҳрин ардоқлаб,
Адирларни, чўққиларни кучади.
Умрим менинг чарчоқ билмаган карвон,
Ҳар баҳорда янги доvon ошади.
Навбаҳорнинг завқи бериб ҳаяжон,
Ҳис-туйғулар дарё каби жўшади.
Шаббодалар олиб кетди меҳримни,
Яшилликка, гўзалликка тўшади.
Гунчаларга ошкор қилди сирымни,
Ғам-қайғудан дилим буткул бўшади.

ҚИЗГИНАМ

Инсон бўлиб дунёни мен англадим,
Ўзинг менга дунёсан-а, қизгинам.
Ҳаётингга ҳаётимни боғладим,
Сен туғилиб ёруғ бўлди юзгинам.
Умидларим чақмоқ бўлди юракда,
Қалбимда нур бўлиб юргин, қизгинам
Орзуларим кўпдир сенга тилакда;
Камолингни кўриб юрсин кўзгинам
Қулганингда мен ҳам тўйиб қуламан,
Қувончимга шерик бўлдинг, қизгинам.
Бахтимга сен улғаявер соғ-омон,
Ҳаётимга йўлдош бўлсин изгинанг.

Инсон бўлиб дунёни сен англагин,
Мен ҳам сенга дунё бўлай, қизгинам
Шунда бизлар бахтли яшаймиз,
Ўчмас шунда ҳаётдаги изгинам.

Учликлар

Сени қайдан топаман энди,
Ҳасратимга қўшилиб кетдинг.
Эй, аслида ҳасратмидинг ё...?

* * *

Дунё кулса, сен кулмасанг,
Қайғу босса, сен қувмасанг,
Юраклигинг қолдими, юрак?

* * *

Осмон кенлигидан не фойда,
Сенинг юрагинг тор бўлса?
Бормикан осмондай кенг юрак?

Фитначи

Бировнинг ютуғи унга берар гам,
Қулатмоқ истар ўзи куйиб-ёнса ҳам.

Дангаса

Чидам беролмайди ишга, юмушга,
Лекин етиб келар доимо ошга.

Қаллоб

Юзингга тик боқиб туради кулиб,
«Рози қилиб» олар, чўнтагинг шилиб.

Ароқхўр

Ичиб олар мудом биров тўйида,
Камдан-кам тунайди ўзин уйида.

Рўзимурад Болқиев 1971 йили Қўштамғали қишлоғида туғилган. Тумандаги 31-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси. Шеърлари вақтли матбуотда эълон қилинган.

ТОШБАҚА

Мен ҳам тирик жонивор,
Кўм-кўк ўт мен-чун даво.
Табиатга шайдоман,
Бахтимдир тоза ҳаво.
Болаларим бир талай,
Мен уларга бош бақа.
Ёшликдан устимда тош,
Мени дерлар тошбақа.
Болакай, раҳминг келсин,
Синдирмагин тошимни.
Чунки бу тошим, билсанг,
Асрайди-да бошимни.
Устимдаги бу тошим,
Мен учун эмасдир юк.
Аксинча, кўриқчидир
Ҳаётимга у буюк.
Тошимни алишмайман,
Ишонсанг, ҳеч буюмга.
Чунки ҳар вақтда мен
Тайёргина уйимда!
Бу ҳам битта омад-да,
Демак, тошим уй, қара
Адашсам ҳам тунлари,
Ухлайман беўй, таранг.
Шу тошим совуқдан ҳам,
Иссиқдан ҳам асрайди.

Адашсам ҳам кор қилмас,
Чунки бўлмайман дайди.
Ўзим билан уйим ҳам
Чиқсам ҳамки сафарга.
Уйим билан юрмоқлик
Мен учун бир зафар-да.

УЗОҚ УМР

Мушугим жуда ювош,
Исми унинг Қорамош.
Суяк билан йўқ иши,
Чунки йўқ унинг тиши.
Сичқонга-ку боқмайди,
Чунки тутиш ёқмайди.
Ҳаттоки ўғирламас
Дорга осиглик гўштни.
Менимча, хоҳлайди у
Узоқ умр кўришни.

ШАРТ

— Қани, кел-чи, ёнимга,
Келтирдим сенга тойчоқ.
Фақат авайлаб ўйна,
Бўлар доим овунчоқ.
Тойчоқни қўлга олиб
Сўзлаб кетди
Мирғолиб:
— Эҳ, дадажон, бўлмайди,
Олиб берасиз бошқа.
Шартим шуки, манглайи
Бўлсин чиройли, қашқа.

СОПҚОН БИЛАН УРИШИ

Тизилишиб учарди
Беш олгита мусича.
Уни кўриб Алишер
Сўзлаб кетди ўзича:
– Мен ҳам учиб юрардим,
Қанотларим бўлганда.
Меваларга тўярдим,
Бари болга тўлганда.
Эшитиб Гиёсиддин
Дўстига айтди ростин:
– Жуда қийин бўларди
Меваларда туришинг.
Гар қўнганда, кўрардинг,
Сопқон билан уришим.

ДЎЛАНА НИДОСИ

Болалардан хурсандман,
Менга қўп тегишмайди.
Мевамга тошлар отиб,
Шохимни эгишмайди.
Чунки шохларим тикон,
Улар бундан қўрқишар.
Аммо катта одамлар
Шохларимни қирқишар.
Улар бундан қўрқмайди,
Чунки улар катта-да.
Мени ҳеч тинч қўймайди,
Йил, кун, ой ва ҳафтада.
Гапни қисқа қилсам гар,
Мени ҳамма танийди.
Шохларимни эгишиб,
Синдирмаса қанийди.

Гулбаҳор Қоракулова 1981 йилда Навкат қишлоғида туғилган. Шеърлари Республика матбуотларида эълон қилинган. «Зиё чашмалари» жамоа тўпламида чоп этиган.

Равшан Файз хотирасига

Хотиримнинг шишалари чил-чилман,
Ҳали гунча туголмаган бир гулман,
Шеър рўзасин тутаётган кўнгилман,
Менга узоқ умр берсин, Равшан ака.

Тан бермайман йўқликка, сифрликка,
Мавжуддирсиз! Боқмайман куфурликка,
Ўтиш бўлди умрдан-иффорликка,
Менга узоқ умр берсин, Равшан ака.

Илҳом парилари ақлу ҳушим олиб,
Изларидан юрибсизми нур бўлиб?
Куч топай мен, қолмасликка кўр бўлиб,
Дуо қилинг, умр берсин, Равшан ака.

Вақт жасади умр — паҳлавон экан,
Емиш-емаги шу ширин жон экан,
Жон берганнинг юзи нафармон экан,
Фидо бўлай, умр олсин, Равшан ака!

* * *

Тиланчига бир бурда нон керак бўлди,
Тақводорга тоза иймон керак бўлди,
Шаҳоншоҳга бутун жаҳон керак бўлди.

Йўқ эмасдур аён, ҳақир-у сойил,
Кўп башанлар кўнгли мазахга мойил,
Оламда бой муҳтожроқ экан, қойил.

* * *

Муаммо, олам жон экан бу бош аро,
Нуқтаси якдодир — эътибор,
Эътиборсиз олам — ўйиқ яро,
Малҳами биттадир — эътибор.

* * *

Маккорлигингдан бўлдинг ҳангу манг,
Ўз хийланг этмасин аҳволингни танг,
Ҳеч кимга сўз бермай сўзсиз қолмагин,
Кўзларни очирмай, кўзсиз қолмагин.

ЭРТА ТОНГДА

Зилол сувнинг қиқирлашини,
Ҳали ешитмасидан атроф.
Ариқдаги жимирлашини
Кўрмасидан илгари офтоб.

Ичмасидан ялпиз қониқиб,
Ҳузур қилмасидан гул-чечак,
Оппоқ яноқларига босиб,
Сувдан бўса олди келинчак.

ТУЮҚ

Ёнимга келди соя,
Бўлмасин феъли соя,
Бошимни кўтарганда,
Кўрай ҳимоя соя.



Мадина Қўшоқова 1992 йилда Қоратош қишлоғида туғилган. Қўшработ педогогика касб-хунар коллежида ўқийди. Шеърлари Республика матбуотида эълон қилинган. 2010-йил «Баркамол авлод назми» тўпламида шеърлари нашр этилган.

ҚИЗАЛОҚ

(Малика ва Маржоналарга)

Қирда ўсган қизгалдоқ —
Узун сочли қизалоқ.
Жажжи қулоқчасига
Тақиб олган бир балдоқ.

У юраркан йўлида,
Кўп орзулар дилида.
Қалам, дафтар ва китоб,
Сумкачаси қўлида.

Сочи майин таралган,
Майда қилиб ўрилган,
Ярашибди кўйлаги,
Этаклари буралган.

Ўзбек дўпписи бошда,
Ҳозирча етти ёшда.
Бирам унга ярашган
Ўсма — қўйилган қошда

Онасига қарашар,
Юришлари ярашар.
Укаси йиғласа-чи,
Унга тутқзади шар.

Иш буюрса дадаси,
Лаббай дея сўрайди.
Акаси чақирганда,
Акажон, деб қарайди.

Фақат олар беш баҳо,
Юришлари мардона.
Исми жуда чиройли,
Бувиси қўйган: «Маржона».

ЎЗБЕГИМ ГЎЗАЛЛАРИ

Дўппилари ярашади бошига,
Ўсмасини суриб кўяр қошига,
Аллоҳ умр қўшсин яна ёшига,
Шундай гўзал ўзбегим гўзаллари.

Лов-лов ёнар эгнидаги атласи,
Ҳар инсоннинг кўрса келар ҳаваси,
Куйлаганда ёрқин чиқар нафаси,
Шундай гўзал ўзбегим гўзаллари.

Чеварлик ҳам кўлларидан келади,
Шарм-ҳаё, андишани билади,
Бунча гўзалсан десангиз уялади,
Шундай гўзал ўзбегим гўзаллари.

Севса агар пинҳонадир севгиси,
Олам яшнар эшитилса кулгиси,
Ошкор этмас юракдаги туйғусин,
Шундай гўзал ўзбегим гўзаллари.

ДУО ТИЛАЙДИ

Онам Мақсудага

«Бошинг тошдан бўлсин, болам,
Бахт-иқболинг кулсин, болам.
Сен менинг гулим ҳам лолам» —
Онам менга дуо тилайди.

«Зўр шоира бўлсанг қизим,
Эл олдида ёруғ юзим.
Икки қилма менинг сўзим» —
Онам менга дуо тилайди.

«Кўз нуриман, қалб қўримсан,
Тиллолардан азиз дуримсан,
Сен дунёда ғамхўримсан,»
Онам менга дуо тилайди.

«Нурга тўлсин борар йўларинг,
Сахий бўлсин доим дилларинг,
Меҳр ила тўлсин дилларинг» —
Онам менга дуо тилайди.

«Ишонмагин, қизим, асло бўҳтонларга,
Ёлғон қўшиб сўзламагин ёлғонларга,
Қўшилмагин эл кўнглидан қолганларга» —
Онам менга дуо тилайди.

«Сендан ўтинчим биргина,
Маслаҳатга қулоқ солгин-а.
Шуни билгин, қизим, Мадина,» —
— Дея, онам менга дуо тилайди.

Турсуншўлат Эгамов 1993 йили Булоқ қишлоғида туғилган. Ҳозир ЎзМУ қошидаги академик лицейи талабаси. «Сортовул садолари» «Бешбармоқнинг шамоли» номли китоблари чоп этилган.

ХАТО

Хатолари билан яралган одам,
Хатолари билан яшар шунинг-чун,
Сенга ҳам, менга ҳам соядир ҳар дам,
Шу хато ўлимга етказар бир кун.

Хатоси туфайли қизлар беномус,
Ва қолар элининг лаънатига ҳам.
Шу хато туфайли йигитлар махбус,
Хатолар азоби аламдир, алам.

Эй Турсунбой, қанча ажлодинг ўтди,
Бари хатолардан қилди насихат.
Бири дoston битди, бири шеър битди,
Хулоса қилмадинг тингладинг фақат.

Ўксинмай қўяқол мендан, эй замин,
Менинг аҳволимга ачинма, дунё.
Оёғимдан чалиб ўтар ҳар қадам,
Отамдан меъросдир менга бу хато.



ТУН МАНЗАРАСИ

Ойнинг шуъласига безанар адир
Ва яйлов юзига ёғилар ёғду,
Салқин шабадалар елар ҳар томон,
Назаримда адир қўриқчиси у.

Туман қуршовида қолган чўққилар,
Жимлик уммонига чўкиб қолгандай.
Бошин сарак-сарак қилар бодомлар,
Харсанг тошлар ўйга толиб қолгандай.

Фақат шарқироқ сой жимликни бузар,
Яна бақаларнинг вақирлашлари,
Қоронғуга бефарқ булоқ қайнайди,
Эшитилмас қушлар чуғурлашлари.

Юлдузлар ёнади бошимиз узра,
Кийиклар югурмас, йилқилар чопмас.
Мудроқ харсанглардан чиқмайди садо,
Лек бебош шамоллар ҳаловат топмас.

Эртага бошланар ҳақиқий ҳаёт,
Туннинг сукунати топади барҳам.
Ҳозир тезроқ ухла, оромингни ол!
Эртага чўққига чиқамиз укам.



* * *

Севсам нима, севмасам нима,
Унут бўлар бари бир куни.
Кутсанг нима, кутмасан нима,
Унутарсан бир куни мени.

Нима бўлар менга барибир,
Эртаю кеч йиғла, истасанг.
Керак бўлсам Тошкентдан қидир,
Менга нима, мени изласанг.

Сени севиб елиб ёнингда,
Атрофингда юрганимда маст.
Менга қиё боқиб қўйдингми,
Тингладингми мени бир нафас?

Ўйламайман сени ҳеч маҳал,
Тушларимга кирмайсан энди.
Сўзларимга бўлмагин маҳтал,
Яхши бўлар унутсанг мени.

Қишлоқи бир йигит эдим-да,
Хаёлингда эди бошқалар.
Армон бўлиб қолдинг кўнглимда,
Энди бари дилимни ғашлар.

Қишлоқларга ўтсам, сен ҳақда,
Сўрамайман танишларингдан.
Севгим қолди сенга қишлоқда,
Куйдим ўша севишларингдан.

Дилафрўз Кўшоқова 1994 йилда Қоратош қишлоғида туғилган. Шеърлари Республика нашрларида эълон қилинган. 2009-йил унинг «Кўнглим наволари» шеърый тўплами, 2010-йил «Баркамол авлод назми» тўпламида шеърлари нашр этилган.

Ҳозирда Навоий Давлат педагогика институти ҳузуридаги академик лицейнинг талабаси.

ЭҲ! ДЎСТ, ДЎСТ!

Ўйга чўмиб қоламан гоҳида маюс,
Уммонга ботаман, ўйсиз, ҳеч гамсиз.
Аммо қалбим тимдалар доимо бир ҳис,
Гоҳида шу ўйда қоламан ёлғиз.

Бевафо ёр бўлар, дўст ҳам бўларкан,
Пок дўстлик шаънини доғга булғаркан.
Бу омонлик дунёни кафтида кўриб,
Сўнгида минг афсус, нола қиларкан.

Дўстлар атрофимда чексиз, адоқсиз
Ва лекин бири нишли, гулу япроқсиз.
Телбанинг шароби ҳеч дам тугамас,
Аммо бўш шишадек қолар қадоқсиз.

Майли, ўзлигини йўқотган бўлса,
Ўзини шер билиб, масхара қилса.
Кечирим сўровга қандоқ изн бор,
Арқондек чин дўстлик риштасин узса?

Бу фоний дунёда барчамиз тенгмиз,
Биримиз ёқасиз, биримиз енгсиз.
Камимиз бор биз баъзан сезмаймиз,
Наҳотки, дўстликнинг баҳоси арзон?

* * *

Қовоғини уйганича менга осмон
Нам кўнглимни ёмғир билан тўлдир-эй,
Боғимдаги атиргулга гўё боқиб,
Шудринг узра гулгун сеҳрин сўлдирди-эй.

Шамғалатма кўнглим сенга зор бўлганда,
Менинг билан хаёлимдан ўтганмидинг?
Осмон менга уйганида қовоғини,
Шунда сен ҳам кипригимга томганмидинг?

Ишқ зарларига савдо бўлса бўлмасмиди?
Томчилардан атиргулим сўлмасмиди?
Мен учун хазон барглар тўкилганда,
Йўқлигиндан менинг кўнглим тўлмасмиди?

Қўқдан ёмғир савалади юзларимни,
Ўша ёмғир ювиб кетди изларингни,
Мовий осмон тин олиб, жим қолганида,
Атиргулим айтиб қўйди сўзларимни.



КУЗ

Шамол эсар тўхтамай,
Дала совуқ — қишдайин.
Мактаб томон йўл олиш
Худди мушкул ишдайин.

Кўча-қўйни хазонлар
Жуда-жуда белади.
Дарахтлар шохларини
Қизғиш тусга белади.

Куз фаслида ҳар турли,
Мевалар етилади.
Олма, ўрик шохлари
Ерга хўп эгилади.

Аммо бунинг гашти хўп,
Таровати ўзгача.
Энди хазонлар, хайр —
Янаги йил кузгача.

* * *

Дунёнинг ташвиши тугамас асло,
Шодлигу бахтни биз баҳам кўрамиз.
Ўзимиз киммиз-у, ўзга кимлигин
Гоҳида ўйламай, билмай юрамиз.

ҚИШЛОҒИМНИ СОҒИНИБ

Аммажоним Гулбаҳор Қўшоқ қизига

Бугун катта кўчаларни шодон кезиб юрибман,
Сен ҳақингда гоҳида шеърлар ёзиб юрибман.
Мўъжазгина, ҳеч ғамсиз қишлоғимни соғиниб,
Олисларда талабалик гаштин суриб юрибман.

Қўлларимда Навоийнинг асарлари бисёрдир,
Юрагимда соғинчнинг қирралари такрордир.
Шукуҳликнинг оташ бўлган бир ҳислари,
Қишлоғим-чун шу қоғозга арзимаган изҳордир.

Кечагина уйимизга бир энлик хат йўлладим,
Энг аввало қишлоғимнинг омонлигин сўрадим.
Менга хўп азиз бўлган ота-онам дуосин
Дунёда ҳар нарсадан азизлигин англадим.



БАҲРОМ БОБОМ БОҒИДА

(Лавҳа)

Баҳром бобомнинг боғида бир-биридан бетакроп беҳи, бодом, боғининг бир бурчагида бодринг, бақлажон, бўйи баланд бедалари бор. Боғбон бобомнинг билагию беллари бақувват. Бобомнинг боғи бизнинг боғдан бирмунча баландроқда бўлса-да, барибир боғбон бобомнинг боғи бошқача, биласизми? Баҳром бобомнинг бирам беғубор булоғи, булоғида беҳисоб балиқлари бор. Бобомнинг боғида булбул, беданаси бор. Бу булбул, беданаларга боғбон бобом буғдой, беданинг баргларидан беради. Бобомнинг бақувват беллари букилмасин. Баҳром бобомнинг битта болтаси бор. Болта билан бобом боғидаги беҳи, бодомларининг бутуқларини болталайди. Бизлар Баҳора, Барчиной, Бахтиёр, Бобурлар билан биргаликда боғбон бобомнинг боғига бордик. Бобом бизга баҳорда боғдорчиликнинг барча билимларини билдирди. Баҳром бобом биз-болаларга боғдаги буқа, байтал, бузоқларини боқтирди. Бундай бағрикенг, билимдон бобомизга боқиб бахтиёр бўлдик. Бундай беғубор бобом борлигидан бахтлиман. Биласизми, боғбон бўлган боболарингизнинг бошлари букилмаган, боғбон бобомизнинг боғлари бундан-да баракали, бундан-да беҳисоб бўлсин.



ҲИКОЯЛАР



Иззатулла Ғазнаев 1969 йилда Қоратош қишлоғида туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тугаллаган. Ҳозирда «Истиқбол сари» газетасининг масъул котиби.

ОТАМ АЙТГАН МАТАЛЛАР

Болалигимда опам Гулбаҳор билан отамнинг ёнида ўтириб эртақ ва дostonлар эшитишни хуш кўрардик. Отам «Алпомиш», «Гўрўгли», «Равшанхон» дostonларини завқ билан айтар экан, хаёлан Бойчибору, Ғиркўкларга миниб девлар, ялмоғизлар, қароқчиларнинг додини бергандек бўлардим. Шундай онларда кўзларимга ёш келарди.

Кейинчалик синфдош дўстларим — Азим, Анвар, Эркин, Содик, Илҳом ва бошқаларга отам айтган «Якка Аҳмад», «Тоҳир ва Зухро», «Вомиқ ва Узро»ларни айтиб берардим. Бир куни ўқитувчимиз мустақил ўқишдан ҳикоя, қисса, драмалар ўқиб келишни буюрди. Шунда ўқувчилар мени кўрсатиб, «У жуда кўп дoston билaди, муаллим, ҳозир сўранг», дейишди. Ўқитувчимиз ёзув тахтаси ёнига мени чиқариб, «бошла-чи» — дедилар.

Мени кучли ҳаяжон эгаллаган эди, оёқларим учигача музлаб, дир-дир қалтирардим. Бир оз ҳаяжонимни босиб, бир дostonдан парча айта бошладим. Синфдаги дўстларимнинг кўзи менда, хонада ҳатто пашша учса билинадиган жимлик ҳукмрон, ўқитувчимиз ҳам гўёки нафас олмай тингларди мени.

— Зўрсан-ку, — дедилар муаллимимиз ва журналга иккита «5» қўйдилар. Дўстларимга эса мақтадилар. Мен жуда-жуда хурсанд эдим. Уйга келиб яна китоб ўқирдим. Отам жун титар, опам чуйка қилар, онам эса

уни йигирарди. Балли, улим, дерди отам. Мен қуво-
ниб-қувониб кетардим.

Қишнинг беҳад узун тунларида китоб ўқиб толиқ-
қан паллаларимда энам Рўзигулнинг эртаклари, отам-
нинг дostonларини тинглаб ухлаб қолардим. Отам
айтган дostonлар кўз олдимда шундай гавдаларнар-
дики, ўша воқеалар гирдобиди ўзимни ҳис қилардим.

Отам ўзи кўрган ҳаётий воқеаларни бизга эртақдек
айтиб берарди. Ўша ҳикояларни қайта-қайта тингла-
сам-да, зерикмасдим, яна ва яна эшитишни ёқти-
рардим...

ЁЛДОР БЎРИНИНГ ҲАЛОКАТИ

Ўшанда Қўшоқ 8 ёшларда эди. Ҳамма нарсалардан
ҳам, у Оқтўш лақабли итини яхши кўрарди. Итининг
бўйнига жундан йигириб, кейин эшилган арқонни
солиб, етаклаб юргани-юрган, ё бўлмаса, уни эшак
қилиб минар, қўлидаги халачўпни кучи етганча ир-
гитиб, Оқтўшга олиб келишни буюрарди. Ит бечора
кичик хўжайинининг ҳар бир амрини сўзсиз бажар-
рар, кейинги топшириқни бажариш учун кўзларини
юммасдан кесик қулоқларини динг қилиб турарди.
Улар соатлаб ўйнаса-да толиқмасди, зерикмасди. Кун-
лар шу зайлда, бир меъёрада ўтарди.

Кунларнинг бирида кичик хўжайин уйқудан тур-
са, Оқтўш йўқ. Атрофни излади, молхона, сомонхона
ва ҳатто товуқ катакларини ҳам кўрди, бор овози би-
лан чақирди. — Оқтўш, кел, Оқтўшим, бў-бў, кела
қолсанг-чи?! Итдан эса дарак бўлмади.

Бутун Тошқўтонни айланиб чиқди. Оқтўш кўрин-
масди. Уйга келиб энаси Ҳакимойдан сўради:

— Юргандир-да сангиб, кир, сутингга нон тўғраб
қўйдим, еб ол, келиб қолади...

Кечқурун отаси келгунча Қўшоқ уйга кирмади. Ота-
си подани тоғ томондан ҳайдаб келаётганини кўриб

олдига югурди. Кўк серка бўйнидаги қўнғироқчасини жиринглатиб подани бошлаб келарди. Кичик хўжайинни кўрган серка тўхтади ва «ма-а-а» дея яна мағрур юриш билан ўтиб кетди.

— Ота, ота, — деди Кўшоқ йиғламсираб, — Оқтўшим йўқ, топиб беринг, чақиринг, келсин...

— Савурбойнинг кучуги уйиғибди, эрта-индин келиб қолади, кел, отга миниб ол, улим. Ҳа, балли, қани, чуқ де-чи, ҳайда!

Шу куни у жуда бошқача ухлади, кечаси билан алаҳсираб чиқди. Туш кўрди, эрталаб лунжини тошма босиб уйғонди, синглиси Ойларойдан Оқтўшни сўради. У чўп кўғирчоқлари билан «меҳмон-меҳмон» ўйнаётганди.

— Кўрмадим, ака, — деди ўз ўйинига маҳлиё сингил.

Орадан кунлар ўтди. Оқтўшдан дарак йўқ эди. Жайилма, Қоратош, Эжгантга, ҳатто Шўрчага бориб келди, унинг қораси кўринмади.

Бир ҳафтадан кейин отаси айтди: — Ўтган куни итимизнинг жасадини тозғоралик Сарибой Гўрдарода кўрибди, бўрилар ёриб кетган эмиш, эртага бориб кўриб келамиз. У бизники бўлмаса керак-ов, бир-икки бўрини додини берарди бизнинг Оқтўш, билдингма, улим. — Ўғлининг кўнглини кўтарган бўлди ота.

Отасининг бу гапи Кўшоққа далда бўлди. Ширин ухлади, тўйиб ухлади, лабидаги учуқлар кетиб ухлади...

Эрта-тонгда саман қашқага ота-бола мингашиб Гўрдарога бордилар. Не кўз билан кўрсинки, Оқтўш аянчли аҳволда ўлиб ётарди. Сайхонликдаги итбурун тагидаги ариқ ёқасида яна иккита кучукни қорни ёрилган, ичак-чавоқлари ер билан битта бўлиб ётган холда кўришди. Дарани ўлаксанинг қўланса ҳиди тутган. Сувнинг шилдираши билан кўкимтир чивинларнинг гинғиллаши киши кайфиятини бузарди.

Фазнабой ўлган итларнинг жасадларини ариқ ёқасидан узоқроқдаги сайхонликка олиб бориб тош-

лар билан кўмиб ташлади, устига қуриган бодом, дўлана шохларини кўйиб бекитди.

Оқбулоққа бориб таҳорат олди, ўғлига қараб деди:

– Сен ҳам тиришарвермай, юз-қўлларингни ювиб ол, бошқа ит олиб келиб бераман.

– Нега уйдан чиқиб кетдинг, Оқтўшим?! – деган нидо отилиб чиқди Қўшоқнинг тилидан.

Отаси йўл-йўлакай бир гап айтди.

– Бўрилар билан олишув бўлибди. Ёлдор бўри Оқтоққа келибди, бу унинг иши, бошқа бўри бўлганда Оқтўш бас келарди.

Улар Тошқўтонга қайтганда кун пешиндан оingan эди. У анча толиққан ва очиққан бўлса-да, на овқат еди, на ухлади. Унсиз йиғлади. Ёлдор бўридан қасос олишга онт ичди. Фақат кўзларини юмиб кўрпага бошини беркитиб ётди, бўриларни сўкиб, улардан нафратланиб ётди. Қани, ҳозир катта йигит бўлиб қолса-ю, барча бўриларни қириб чиқса. Аммо...

СИРТЛОН

Қўшоқ учун мана шу уч куннинг ўтиши роса уч йилдек бўлди. Сабаби отаси яқинда Жўш бозорида қоратовлик Жўра полвонни кўриб бир зотдор ит топиб беришини сўраган экан.

– Майлига, боринг, ошна, чўпонимнинг ити болалаган, бирини танлаб олиб келасиз, бари Сиртлон зотли, – дебди совуқбулоқлик ошнаси.

Кун намозгар бўлаётганида Жайилмадан бир қора кўринди. Қўшоқ отам бўлса керак, деган ўйда унинг истиқболига ошиқди.

Саман қашқа узоқдан болани кўриб кишнади, қадамларини илдамлатди. Бола ёнида от тўхтади. Ўғлини қўлидан олиб отга мингаштирди. Саман қўтонга келиб яна кишнади. Ойлар «ура, эна, отам келдилар», – деб хушxabарлади.

Ота эгардан тушиб ҳовли этагидаги бостирма остидаги қозикқа йўргани боғлади. Ўғлининг қувончига шерик бўлиш учун хуржундан эндигина кўзлари очилган оппоқ кучукчани олиб қўйиб юборди. Раҳмат, отажон, мунча ҳам зўр, — деди Қўшоқ қувониб. — Энди яна менинг кучугим бор. — Ура! Ура!! — Ердаги кучукчани олиб бағрига босганча онаси томон югурди.

Кучукча тинимсиз ҳаракат қиларди. Кун бўйи очиққан, хуржунда эзилган, онасининг иссиқ тўшини, оппоқ сийнасидан келадиган сутини соғинганди. Шу боис тинимсиз шинғилларди. Онаси ҳозиргина соққан сигир сутидан Ойлар сопол товоқда олиб чиқди. Кучукча товоқдан сут ичишни билмади, лапанглаб тўкиб юборди.

— Э, кучукбаччанг қуриб кетмасин, ушлаб ичказанг бўлмайдим, болам, сутни уволига қолдик-ку, — дея Ҳакимой болаларга танбеҳ берди.

Яна қайтариб сут олиб чиқишди. Товоқни сингил, кучукни ака ушлаб овқатлангирди. Қўйнинг ўли жундан обрезага тўшаб ётқизишди. Йўлда толиққан кучукча ширин уйқуга кетди.

Эрта тонгда туриб кучукчасини сийпалади, қучоқлади, опичлади, ҳатто суюб ўпиб ҳам қўйди. Онаси кўриб қолиб, роса койиди. Боланинг ташвишига ўн чандон ортиқ ташвиш қўшилди.

Меҳмон-меҳмон ўйнаётган синглисини бормайман, дейишига қарамасдан жамалак сочидан тортиб калак эчкининг қулоқларидан ушлашга мажбур қилди, ўзи эса тош косага сут соғди, қашқа эчки синглисини судраган эди, уни роса калтаклади. Улар ҳам бу аҳвол ҳар куни такрорлангани сабаб, тақдирларига тан бериб, индамай турадиган бўлди.

Бостирмадаги полапонлар ҳам қолмади. Энасининг қўтонга кирма, узун ҳоппой бўлади, деганига парво қилмади.

Даструхонда нон бўлаklarининг хузурини кучукча кўрди.

Отаси овқат сузишдан олдин биринчи чўмични Сиртлонга беришни таъкидлади.

— Ит — вафо, мушук — жафо, уйни, ҳовлини, қўтонни кўриқлайди. Шу уйда унинг ҳам насибаси бор. Итлар доимо дуо қиларкан «Эгам бой бўлсин, тўйлар қилсин, ҳўкиз сўйсин, суяк камирайин» деб. Яхшироқ қараш, улим, майлима?!

Сиртлон бир ойлик бўлганда ота ўғилга устара ва болтани олиб кел деди. — Нега? — деди бола ҳайрон бўлиб. — Итингнинг қулоғини, думини кесамиз — деди ота.

Аввал икки қулоғини кесдилар, ҳамма жой қон бўлди, орадан икки кун ўтиб эшик бўсағасига думини қўйиб болта билан кесдилар. «Вой» ҳам, «шинг» ҳам демади бечора кучукча. — Итимиз Сиртлон экан, — деди ота. Ўғил қувонди.

— Ота, энди бошқа итлар билан олишса ҳам йиғламайдими? — сўради ўғил.

Аввалги итига ўргатган барча қилиқларни бунча ҳам ўргатди. Бу ундан-да зийрак чиқди. Фақат боланинг қўлидан овқат ейдиган бўлди. Онаси, синглиси шўрвага нон ивитиб берса ҳам емади. Жуда тўқминаз бўлди.

Кичик хўжайин Қоратошга — мачитга қатнай бошлади. Сиртлон уни ортидан кузатиб борар, ариқ бўйидаги толлар тагида эгасининг чиқишини интизорлик билан кутар. У чиқса аввал ўнг панжасини Қўшоқнинг қўлига «салом» дегандек қўяр, сўнгра дўстлари билан ҳам кўришарди.

— Итинг бунча яхши! — дерди дўсти Шарифжон.

Шундай кунларнинг бирида чинорлик бир ўртоғи: —Эртага мен ҳам итимни олиб келаман. Кўрғоннинг орқасида уриштирамиз, кимники зўр экан, кўрамиз, деди.

Болалар ўзаро маслаҳатлашиб эртасига барчаси итларини олиб келиб уриштиришди.

– Ота, суюнчи беринг, менинг итим зўр, ҳа, ҳам-маникини тепалашиб-талашиб қочирди. Барча кучуклар менинг Сиртлоним олдида думларини қисиб қочиб, қолди. Ота! – дея ҳайқириб суюнчи талаб қилди ўғил.

Сиртлон бир ёшга тўлди. У энди мағрур, жуссали, келбатли бўлган эди. У бир одат чиқарганди. Ҳар куни азонлаб ҳовлида йўқ бўлиб қоларди.

Тоққа чиққан ўтинчилар, пидана (ялпиз) теришга борган келинчақлар, қизлар айтдилар. Бир кучук аввал Тоқия чўққи, сўнг Етим чўққи, кейин Сарик чўққига чиқиб ҳуриб, ерни тирнаб келаркан.

Тўй-маъракада, гап-гаштакда ҳангомалар кўпайди.

– Тоғда бўри қолмади, подаларимизга йилқиларимизга тегмаяпти.

– Фазнабойнинг Сиртлони зўр ит бўлибди-да...

Ўша йили қиш қаттиқ бўлди. Қишлоқлик ўсмирлар тоққа куён, каклик овига чиқдилар. Бўри изларини кўришди. Кўрқишди, қайтишди. Қоровул тепа адирларига, Қоранайман кенгликларига куён овига боришда яна бўри изларини кўриб ҳадиксираб қайтдилар.

Овчилар қопқон қўйдилар. Орадан беш кун ўтди, Модийёрдаги дарада бўри қопқонга тушибди, аммо бўрининг бир оёғи қолиб ўзи йўқ, итларингни олиб, палахмон, кетмон билан чиқинглар, изидан тушиб тутамиз деган хабар, ота-болани хурсанд қилди. Эна боласига «бормайсан» деди. Ота кўзи пишийди, бўрини кўрса иши юришади, қаватимда олиб бориб келаман, индама деди.

Бўрини изидан борувчилар Саритошда уларни кўрдилар. Бўрилар итлар галаси орасида ёлларини хурпайтириб вазмин турарди. Улар иккита эди. Ярадор бўрининг ўнг оёғи кесилган, кўп қон йўқотиб ҳолдан тойган, шундай бўлса-да, оғриққа мардларча чидаб увламас эди. Улкан кулранг бўри тишларини шақир-шақир этказиб важоҳат билан қўллариди паншаҳа,

кетмон, палаҳмон ушлаган одамларга ташланишга шай бўлиб турарди. Улар «Бос»!! «Уй-ҳо!! Бос!!» — деб гиж-гижлаётган итларнинг ҳамласига Ёлдор бўри сурбетларча жавоб қайтарар, ҳар бир итнинг ҳамласини бўри жунларини хурпайтириб, ўткир тишларини кўрсатиб қайтарарди. Тахминан беш-олти ҳамладан сўнг кулранг сўйлоқ тишларини гижирлатиб, ҳамлага отланар, бироқ олдидаги ҳамроҳидан ажралса мана бу ваҳшатлар унга зиён етказишини ҳис қилиб яна шериги ёнига беихтиёр қайтарди.

Одамлар итларга «уй-ҳо», деса-да улар бўрилар олдига боришга ботинолмасди. Бўрилар олдига беш-олти қадам важоҳат билан интилганда итлар думларини қисиб эгалари орқасига шингшиб ўтиб кетар, одамлар оёқлари остидаги ердан тош ахтариб бўриларни палаҳмонгардон қиларди.

Шу орада Сиртлон ҳам ўз хўжайинлари билан келиб, тўдани ёриб ўтди ва бўрилар томон шиддат билан отилди, ҳамма ҳайрон, ҳамма лол. Қолган итлар ҳам унга эргашди. Сиртлон бўрини бўғзидан олди, қолган итлар бошқа жойларидан тишлаб талай бошлади. Одамлар ҳам қўлларидаги таёқлар билан уришга шайланди, аммо уларнинг шиддатли олишуви, бўрини уришга йўл қўймасди. 15–20 дақиқа олишув бўлди, мана шу вақт мобайнида Сиртлон бўрининг кекирдагини қўймади. Бўри бўшашди, секин-аста мадори кетди. Итлар бўрини чалажон қилиб сулайтириб ташлади. Бўри бир қоп сомондек (ҳаром ўлган эшакдек) чўзилиб қолди. Овчилар итларни базўр ажратиб олди. Сиртлон шунда ҳам бўрининг кекирдагини қўймади.

— Сиртлонинг зўр экан, борибоқ бир қўйни сўйиб қуйруғини беринг, — деди Ҳувайдо. — Бўрида ажалнинг бир туки бўлади, деган машойихлар, қуйруқ унинг захрини олади. Бўрининг иккаласини ҳам одамлар яхшилаб боғлаб, қишлоққа олиб келдилар.

Қишлоқ аҳли томошага келди: овга боролмаган мўйсафидлар, хотин-халаж, бола-бақралар.

— Бўлди, бўриларни кўрдиларинг, энди уй-уйларингга тарқалинглар, — деди оқсоқол. Ҳамма тарқади.

— Бўриларни нима қиламиз?, — деди йигитлар.

— Ёлдор кўк бўрини яхшилаб боғлаб қафасга сола-миз, оғзига хода солиб боғланглар. Эртага чўпонларга кириб, қишлоқларни айланиб бўри ушладик деб чиқасизлар. Ҳар қишлоқ, ҳар чўпон улоқ, кўзи беради.

Мана бу ярадорини ҳозир ўлдира-миз, тирноқларини, тишларини хонадонларингга олиб бориб илиб қўясизлар, омад ва барака келтиради...

Бўрилар мард бўларкан ўшанда ярадор бўрининг қолган уч оёғини тўнгатка қўйиб чо-пиб олишди, бироқ у ўлмабди ҳам увилламабди ҳам, ингилламади ҳам.

Бўрига икки-уч кун роса ичим ачиди, бироқ Оқтўшининг қасосини олганидан қувондим. Агар Сиртлонинг бўлмаганида бўриларни ушлаш қийин бўларди, — деди Шарифжон дўстим.

Отам кўчқор сўйиб, думбасини Сиртлонга берди. Менинг меҳрим унга янада баландроқ бўлди.

Йигитлар, болалар, ҳаттоки чоллар тоза ит экан, бўрибосар экан дейишди, мен гурурландим, ўсдим. Тенгдошларимга кўп бора мақтандим.

Бўрини эса қўшни қишлоқлик бир бой сотиб олди. Ходалардан қафас қурғизиб, ўтинхонасига калладек қулф урғизиб қамаб қўйди, ярим ой, бир ой тарбия қилиб, Бухоро амирига совға қиламан тириклайин дебди.

Бойнинг ўзига ишонган ўғиллари, дўстлари билан гаров боғлашибди.

Улар бўрини ва итларини қишлоқнинг чеккасига олиб чиқишибди. Итлар қафасдан бўри ҳидини олиб олға талпинибди, гаров ўйнаганлар итларни зўрға ушлаб туришибди.

Бўрини катакдан олиб чиқиш жуда қийин бўлибди. У ўзини орқага олиб, оёқ тираб олибди. Не-не машаққат, бақир-чақирлардан сўнг, таёқ ва калтаклар зарбидан сўнг, ноилож чиқиб ўзига келиб қараса, озодликда экан, шунда у силовсиндай пусиб қоратоққа қараб қоча бошлабди.

Шу заҳоти бўрининг изидан итларни қўйиб юборишибди. Итлар қаҳр ва важоҳат билан бўрини қувиб кетишибди.

Томошабинлар хушчақчақ ҳо-ҳолашиб, итларнинг кетидан от суришибди.

Бир оз фурсатдан сўнг бир қора ит бўрига яқинлашди, аммо шу заҳотиёқ улар бир-бирларидан ажралиб кетибдилар. Бир оз югуриб учиб йиқилибди, у елкасидан оғир яраланган экан.

Яна бир неча дақиқадан сўнг баҳайбат сариқ жундор ит бўри билан тўқнаш келибди, қочаётган бўри ўзини четга олиб бир ҳамла қилибди. Таъқиб қилаётган сариқ итнинг қорни қонга беланиб учиб йиқилибди.

Бўри ёлларини ҳурпайтириб, нақ ҳанги эшакдек бўлиб катталашиб кетибди. Уни таъқиб қилиб келаётган 3—4 та баҳайбат кўппаклар таққа тўхтаб орқасига бурилибдиларда, аянчли гингшиб орқасига тисарилибдилар...

Бўри мардона юриб сайҳонликка кириб кўздан йўқолди. Одамлар ҳам, итлар ҳам уни таъқиб қилишдан ўзларини тийибдилар.

Бу воқеа туман тезлигида қишлоқларга тарқади, бойнинг болалари гаров ўйнаб ҳўкиз ютқазди, бўрини қочириб қўйибди...

ҚАСОС

Орадан бир йил ўтди. Сиртлон эрта тонгда туриб чўққиларни зиёрат қилиб келар, ўз чегарасини собитлик билан айланар, ўз ҳидини, изини, белгисини қолдириб келар. У чўққига чиқиб уч маротаба чўзиб-чўзиб увлар эди.

Бу йилги кўклам серёмфир келди. Оқтоғ бодомлари эрта гуллади, тоғ ўтлари нақд белга чиқиб кетди. Кўшоқ ҳам отасига дастёр бўлиб қолди, қаровидаги сурувни ўзи тоққа олиб чиқиб боқиб келадиган бўлди, ёнида Сиртлони, белига яримта нонни тугади-ю, итини эргаштириб тоққа жўнайди.

Ёлғиз оёқ сўқмоқдан кетатуриб одамнинг болдир сонидек келадиган олачипор бир нимага қоқилиб кетди-ю, азою бадани жимирлади, тепа сочи тикка бўлиб кетди.

Бу баҳайбат илон эди. У ўзини «вой, энажон» дея харсанг тош устига олди. Узун хаппойнинг бошини кўрмади-ю, лекин ёлғиз оёқ йўлдан анча муддат ўтиб, кейин дум қисмини кўриши унга ниҳоятда даҳшатли туюлди.

Ўша йили илонлар жуда кўпайди. Отаси молхонадан битта, қўтондан иккита илон ўлдирди, ҳатто даҳлиздаги обрезадан онаси битта турқи совуқнинг боласини ўқлов билан уриб ўлдириб, ёқиб юборди.

Бир куни отаси махсисини ечиб, таҳорат олгани уй орқасига ўтганда ит нимадандир қаттиқ асабий хура бошлади.

– Тур, Сиртлон, нарига ёққа бориб ёт, – дея махсисини ундан олиб қочди. Махси ичидан олачипор заҳарли илон шалоп этиб ерга тушиди-ю, итнинг оёғига оғиз солди, Сиртлон аянчли бир гинғшиди. Чўпонтаёқ билан илоннинг бошини янчилди. Итнинг оёғи қисиб боғланди, айроннинг зардоб сувига ювдилар, илон тиши кирган жойни устара билан тилиб қон оқизишди ва тошчорғон тортиб боғлаб қўйдилар.

Ўшандан кейин энам мени тоққа чиқармай қўйди. – Сен аждарнинг боласини кўрибсан, болам. Подани Соритошда, Эсаномонда боқ, Модийерга, Учқўлга борма. Илонлар Оллоҳга зикр тушиб қирқ йил ер тагида ётаркан, аждар бўламан деб. Кўпи чириб ириб ўлиб кетаркан. Сен кўрганинг аждар бўлган, деди

онам ё илонлар шоҳи. Чириш тепада ини бор дея отам айтарди. Кечаси чиқиб бир сув ичса, Учқўлдаранинг сувини тўхтатиб қўяркан...

Ёз бўйи қоратовликлар бўрилар дастидан дод дейишди. Кимнинг қўйларини, яна бировнинг йилқиларини бўрилар бўғизлаб кетибди, дея гапа чиқа бошлади.

Ўша кунлари Сиртлонга ҳам бир бало бўлди. Тоққа бормади, чўққиларга чиқмади. Қўтон атрофида бир икки улиб ҳурди ва тут дарахти соясида ётди. Иккинчи куни ҳовлидан ҳам чиқмади. Ҳатто ҳурмади. Ҳамма ҳайрон.

Катта хўжайин гаврон кўтариб ҳайдамоқчи бўлди, пўписа, дўқ қилиб бир икки уриб ҳам кўрди, аммо жойидан жилмади. Учтинчи куни даҳлизга кириб обрезада ётиб олди, овқат ҳам берди емади. Уриб калтакладилар, кетмади. Тавба, — деди катта хўжайин, — буни нима жин урди? Ҳеч бундай қилмасди. Бу ерда бир сир — катта жумбоқ бор. Саман қашқа ҳам икки кундан буён жуда безовта, депсиниб, кишнагани-кишнаган. Ойлар қизим, сен энанг билан қишлоққа — Қўлдошбой тоғанларникига боринглар, биз аканг иккимиз қўтоннинг устига жой солиб ётамиз, — деди. Отам менга алламаҳалгача юлдузлар ҳақида, сомон йўли, етти қароқчилар тўғрисида афсоналар айтиб берди. Ора-орада Сиртлон деб чақирамиз. Ёзнинг илиқ шамоли танга роҳат бағишлайди. Чарчоғим зўридан ухлаб қолибман.

Бир маҳал отамнинг туртганидан уйғониб кетибман. Қўлини оғзига қўйиб жим деди. Бош билан уйга қара деган ишорани қилди. Аввал ажабландим, сўнгра ҳайратдан донг қотиб қолдим.

Эрта саҳарлар бўлган, атроф қоп-қоронғи, бўрининг икки кўзи даҳлизга қадалган. У ерда Сиртлоннинг чарақлаган нигоҳи ярқираб турарди. Иккаласи бир-бирига қаҳри ғазаб билан ириллаб ҳужум қилишга шай турарди.

Отам қўлига кетмонни олди-да, бўри томон югурди. Мен эса қоққан қоziқдек қотиб қолган эдим. У бор кучи билан бўсаға оғзида турган бўрининг белига кетмоннинг учи билан урди. Бўри шитоб билан отамга ташланмоқчи бўлганда Сиртлон унинг бўйнига ёпишди. Отам бўрининг белларига, оёқларига, қоринларига кетмон билан тинимсиз урар, Сиртлон уни юлқалар. Ёлдор бўри тинимсиз типирчилар, олишув беомон кечарди. Мен эса дод деб йиғлардим. Отам бўралашиб чақирилмаган «меҳмонни» сўкарди.

— Ҳа, аблаҳ, кўрамга келасанми, мана сенга, мана сенга лаънати, ҳе, онангни сани, уйимга кел-а, бўсағамга кел-а, аблаҳ, маҳлуқ! Ланати шақол!

Олишув то тонгга қадар давом этди. Отам ҳам, Сиртлон ҳам, бўри ҳам сулайиб қолган эди. Отамнинг қўллари қавариб кетган, бўри типирчилаб жон берди. Отам бир оз ўзига келиб, Сиртлонни ажратди. Уйдан болтани олиб чиқиб бўрининг калласини тўнгатма қўйиб узиб ташлади. Мени томдан олиб тушиб сув ичказди.

— Кўрқма, улим, Сиртлонинг зўр ит-да. Унга қўй сўйиб думба-қуйруқ берамиз...

Мен анча ўзимга келиб қолгандим. Болтани олиб бўрининг сўйлоқ тишларига ура бошладим. Мана бу, Олапар учун. Мана бу Тўрткўз учун...

Оқтўш учун қасос олган Сиртлонимни янада яхши кўриб кетдим.

МУНДАРИЖА

Эпкиндар. <i>Собир Ўнар</i>	3
Қулунлари бисёр оқиннинг. <i>Фармон Тошев</i>	4

ШЕЪРЛАР

<i>Болтабой Мамарасулов</i>	
Она.....	6
<i>Ҳожарой Жонтаева</i>	
Қўшработлик аёлга.....	10
<i>Ўнарбой Бобохонов</i>	
Қишлоқ аёллари.....	14
<i>Неъматилло Хидиров</i>	
«Шоиринг бўламан, ота юрт,..».....	17
<i>Махпурат Остонова</i>	
Меҳр ила боқдими кўзинг?.....	21
<i>Алибек Санақулов</i>	
Баҳор кунлари.....	24
<i>Юсуф Қораяев</i>	
«Тепкиламанг тупроқни,..».....	27
<i>Мамаражаб Тўраев</i>	
Навбаҳор дилимда.....	31
<i>Рўзимурод Болқиев</i>	
Тошбақа.....	33
<i>Гулбаҳор Қорақулова</i>	
Равшан Файз хотирасига.....	36
<i>Мадина Қўшоқова</i>	
Қизалоқ.....	38
<i>Турсунпўлат Эгамов</i>	
Хато.....	41
<i>Дилафрўз Қўшоқова</i>	
Эҳ! дўст, дўст!.....	44

ҲИКОЯЛАР

<i>Иззатулла Ғазнаев</i>	
Отам айтган маталлар.....	50

ҚЎШРАБОТ ОҶАНГЛАРИ

Шеърлар ва ҳикоялар

Муҳаррир *Шукур Қурбон*
Бадиий муҳаррир *Акбарали Мамасолиев*
Техник муҳаррир *Аслиддин Жўраев*
Саҳифаловчи *Шавкат Жўрабоев*

Муқовада рассом Музаффар Бегматовнинг
«Қизил бел манзараси» асаридан
фойдаланилди.

Босишга 2010 йил 8 ноябрда рухсат этилди.
Бичими 84x108.^{1/32} Ҳажми 4,0 ш.б.т
Адади 1000 нусха. Буюртма № 281.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси 33 уй.